2004 YIL 26 FEVRAL, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 27 (6.708). Sotuvda erkin narxda

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 феврал куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари тобора ривожланиб бораётганидан яна бир далолат ва икки томон учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бозор муносабатлари ва демократия тамойилларини қарор топтириш ва мустаҳкамлашда ҳам АҚШ Ўзбекистонни қўллаб-қувватламоқда. Булар баробарида икки мамлакат халқаро террорчиликка, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатларимиз оммавий қирғин қуролларини, уларнинг таркибий қисмларини, технологияларини ва шундай қурол ясаладиган материалларни тарқатмаслик соҳасида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу борада мунтазам равишда ахборот ва маълумотлар алмашиб турилади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорлик Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида ушбу мамлакатга расмий ташрифи давомида расмийлаштирилган эди. АҚШдан келтирилаётган ҳарбий ускуналар, алоқа, кузатув, аниқлаш ва ҳимоялаш қурилмалари, тиббиёт анжомлари, соҳада ишлатиладиган бошқа замонавий техника ва транспорт воситалари ҳарбий соҳада ҳам алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини кўрсатади. Чунончи, яқинда мамлакатимиз чегарачиларига умумий қиймати 1,1 миллион АҚШ долларидан зиёд транспорт воситалари ва ускуналар тақдим этилди. Бу борадаги ишларни давом эттириш режаси анча салмоқли ва узоқ муддатга мўлжалланган.

Мамлакатларимиз ҳарбийлари қўшма семинарлар, машқлар ўтказмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар АҚШда малака оширмоқда. Бу кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик яхши ривожланаётганидан далолатдир.

АҚШ мудофаа вазирининг бу галги ташрифидан мақсад - ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоқалари доирасидаги ишлар билан яқиндан танишиш, келгусида биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган бошқа тадбирлар борасида фикрлашиб, янги имкониятларни ўрганишдан иборатдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки томонлама алоқалар, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга оид масалалар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Пентагон раҳбари Д.Рамсфелд самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораверишини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА)**



**Бугунги илм толиби эртага жамият ҳаётининг муҳим тармоқларида фаолият юритадиган мутахассис бўлиб етишади. Косонсой тумани Кўқимбой қишлоғи марказида иш бошлаган "Кўқимбой" касб-ҳунар коллежида 420 нафар ана шундай келажак ворислари етти хил касб йўналишлари бўйича билим олишмоқда.**

**СУРАТДА: коллеж муаллимаси Нигора Довулбекова машғулот пайтида.**

П.АКБАРОВ олган сурат.

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» масофавий ўқитиш марказида 50 нафар тингловчига Россия ахборот технологиялари Интернет-университетининг сертификатларини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**

● **Пойтахтимиздаги «Kapital-bank» ўзининг бешинчи чакана хизматлар кўрсатиш марказини очди. «Шуҳрат», деб аталган бу марказ Чилонзор ва Акмал Икромов туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишининг ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар муҳокама этилди.**

● **Андижонда «Ўзприватбанк» хусусийлаштириш ва инвестициялар банкининг «Анелик» пул ўтказиш тизими пункти очилди.**

● **Ўзбекистон Банклари ассоциациясида «Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияси» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Мумтоз миллий наволар» деб номланган концерт бўлиб ўтди.**

● **Гулистонда ўтказилаётган «Ташаббус-2004» шаҳар кўрик-танловида Мавжуда Рустамова раҳбарлик қилаётган «Машҳура-М» кичик корхонаси ғолиб деб топилди.**

● **Андижонда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.**

● **Тошкент ахборот технологиялари университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

***Президентимиз 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ўтган йил Фарғона вилоятида пахта шартномаси барбод этилганини айтиб, бу ҳолатнинг оқибатлари ҳақида тўхталган эди. Дарҳақиқат, вилоятда ютуқлар қатори қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликдаги бундай оқсаш фарғоналиклар турмуш даражасининг яхшиланишига салбий таъсир кўрсатди. Агар вилоятда пахта шартномаси уддаланганда, кўзланган ҳосил олинганида ундан келадиган соф даромад ҳисобидан қанчадан-қанча бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш имкони туғиларди. Хўш, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг илдизи қаерда? Бугун қолоқликдан чиқиш учун вилоятда қандай чора-тадбирлар кўрилаётир? Қуйидаги мақола ана шу ҳақда.***

# ФАРҒОНАДА НИМА ГАП?

ТАҲЛИЛ

## Рақамлар тилга кирганда

Фарғона вилоятида уч йилдирки, пахтачиликда шартномалар бажарилмаяпти. Ҳаттоки, вилоятдаги аҳвол ўрганиб чиқилгач, 2002 йил шартнома режаси 22000 тоннага камайтирилган эди. Бу ҳам вилоятга "енгиллик" бермади. Шартномалар тағин ўлда-жўлда қолди. Ўтган йил давлат омборларига вилоят пахтакорлари 138600 тонна пахта хомашёси етказиб беришмади. Буни хомчўт қилинг. Чигит ва қўшимча маҳсулотларни қўя туринг. Шу ҳосилдан 45738 тонна тола олиш, ҳар тонна пахта толасини 1631 АҚШ долларидан сотиш мумкин эди. Бу 74,5 миллион АҚШ долларидан ошади. Шунча пулга қанча мактаб, қанча ободончилик ишларини қилиш мумкин эмасди дейсиз? Деҳқону мутахассис амалдорларнинг бой бўлгани, қанча техникалар сотиб олишини айтмайсизми? Эҳ-хе...

Ўтган йили бирорта ҳам туман йиллик маррани уддалай олмади. Ҳосилдорлик режадаги 29,5 центнер ўрнига 18,7 центнерданни ташкил этди. Мавжуд 148 та ширкат хўжалигининг 132 таси, 11358 та оила пудратининг 7699 таси, 3550 та фермер хўжалигининг 2548 таси белгиланган шартномалар шартларини бажара олмади.

Натижада пахтачиликдан 5 миллиард сўм зарар кўрилди.

Давлатга пахта сотиш шартнома режаси Охунбобоев туманида атиги 44,3 фоизга, Риштон туманида 47,9 фоизга, Бағдод туманида 51,2 фоизга, Ёзёвон туманида 57,8 фоизга, Тошлоқда эса 60 фоизга бажарилди, холос.

Ҳар йили "илғорларнинг илғори" саналадиган Фарғона туманида режага нисбатан 4146 тонна пахта кам етиштирилган. Назаров номли, "Оқ олтин", "Ғалаба", "Миндон" ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик 14-16 центнерданни ташкил этган.

Ана шу тумандаги "Қалдирғоч-Д" фермер хўжалиги 8 тонна ўрнига 400 килограмм пахта етиштирган, холос. "Ғуломиддин" фермер хўжалиги эса 18 тонна пахтага шартнома тузиб, бир кило ҳам пахта топширмаган.

Туман бўйича пахтачиликка йил бўйи 4 миллиард 151 минг сўм харажат қилиниб, соҳадан 3 миллиард 221 миллион сўм даромад олинган. Бошқача айтганда, катта иқтисодий зарар кўрилган.

Бундай мисолларни ҳар йили машъалликни қўлдан бермай келган Олтиариқ ва Учкўприк туманлари мисолида ҳам келтириш мумкин.

Хўш, сабаб нимада? Об-ҳаво қийнадими, раҳбарларда ташкилотчилик етишмадими, ё фарғоналик деҳқонлардан омад юз ўгирдими? Бугун - кўклам арафаси кўпчилик ана шу ҳақда фикр юритмоқда, хато-ю камчиликлар таҳлил этилаётгани ҳам бор гап.

-Ҳамма гап ташкилотчиликда, - дейди Қува туманидаги Ал-Фарғоний номли ширкат хўжалиги раиси З.Ашуров. – Вилоят, туман нега шартномани уддалай олмаганига ҳакамлик қилолмайману, аммо биз айтган сўзимизнинг устидан чиқдик. 350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан ҳосил олдик. Қандай қилиб? Аввало, бизда ҳар пайкалнинг эгаси бор. Чек асосида ишлаймиз. Ер эгалари шунга ўрганган. Аввалгидек, трактор даласида бирров кўринса, бир кун ишлади, деб меҳнат ҳақи ёзиб бераверишйўқ. Иш миқдорини, унинг сифатини кўриб сўнг чек йиртади. Омборга ҳам чеки билан келиб ўғитини олиб кетади. Ҳамма жойда тартиб-интизом бор, масъулият бор, меҳр-оқибат бор. Қишин-ёзин дала шийпонларимизда қозон қайнаб туради.

Ўтган йили пахтачиликдан 47 миллион 707 минг сўм соф фойда олишга эришдик. Ҳаммаси ширкат аъзоларининг манфаатдор бўлгани туфайлидир.

-Булар яхши, - деймиз раиснинг сўзини бўлиб, - аммо... тумандаги, вилоятдаги аксарият хўжаликлар режани бажара олмади-ку? Балки, сизнинг eрингиз ўзгаларникига нисбатан тозароқдир, балки, баҳордаги совуқ, ёғингарчилик ҳам сизнинг далангизни четлаб ўтгандир?..

-Ундай эмас, - дейди Зоҳиджон Ашуров, - ер шароитимиз ҳамма қатори. "Семиз" жойи ҳам, "ориқ" ери ҳам бор. Бир қисми эса заҳкаш. Биз ҳар бир агротехника тадбирини ўз муддатида, юқори сифатли қилиб ўтказишга одатланганмиз. Одамларимиз виждонан ишлайди. Масалан, қиш даврида 450 дан зиёд ижарачининг ҳар бири 4-5 тоннадан гўнгни даланинг бошига олиб чиқиб, компост қилиб қўяди. Тўғри, ўтган йили анчайин мураккаб келди. Баҳор серёғин бўлди. Ғўзани ҳашарот босди. Кўпга келган тўй экан, бу нарса бизниям четлаб ўтмади.

Чигитни ерга нам суви бериб 5 апрелдан бошлаб 7-8 иш кунида экиб олдик. Плёнкага эмас, юз фоиз пушта устига экдик. Ҳар бир агротехник тадбир ўз муддатида бажарилди. Ҳар бир туп ҳашарот босган ғўзани аниқлаб, чора-тадбирини кўрдик.

Шу ўринда юрагим тубидаги бир гапни айтай: деҳқончилик буйруқбозликни кўтармайди. "Фалон вақтда экасан, фалон вақтда ягона қиласан, сув берасан..." деб кўрсатма беришнинг, одамларни бўлар-бўлмас йиғиб 3-4 соатлаб мажлис ўтказиш, ваъзхонлик қилишнинг вақти аллақачон ўтган.

Хўжалик раҳбари техника, ўғит, ёқилғисини вақтида таъминлаб қўйса, ер эгаси нега ишламасин? Ишлайди, ишлаганда ҳам қойиллатиб ишлайди.

"Ал-Фарғоний"дан қайтишда шу хўжаликка қўшни – бир ариқдан сув ичадиган М.Шербўтаев номли ширкат хўжалигига ҳам кириб ўтдик.

-Ўтган йили кўкламда намгарчилик қаттиқ бўлди, - дейди ширкат етакчиси Ҳомиджон Сулаймонов, - 740 гектар пахта майдонининг 240 гектарига плёнка остига чигит эккандик. Уруғ чириб кетди. Қайта экишимизга тўғри келди. Бунинг устига ўргимчаккана, кўсак қурти деган бало "массавой" босди. Эплолмай қолдик. Ўғитни, эҳтиёт қисмларни ўз вақтида ололмадик... Иш ҳақини-ям беришмаяпти. Одамларга "Ишга чиқ", десанг, "Нима берапсан?", дейди. Яхшиямки, томорқаси бор...

Шулар сабаб бўлиб 2403 тонна ўрнига 1240 тонна ҳосил етиштирдик. Режа 51,6 фоизда қолиб кетди. Пахтачиликдан қарийб 150 миллион сўм зарар кўрдик.

Ана сизга бир туманнинг икки жамоасидаги ҳолат. Келинг, хулоса чиқаришга шошилмайлик.

**Ўтган йил давлат омборларига вилоят пахтакорлари 138600 тонна пахта хомашёси етказиб беришмади. Буни хомчўт қилинг. Чигит ва қўшимча маҳсулотларни қўя туринг. Шу ҳосилдан 45738 тонна тола олиш, ҳар тонна пахта толасини 1631 АҚШ долларидан сотиш мумкин эди. Бу 74,5 миллион АҚШ долларидан ошади. Шунча пулга қанча мактаб, қанча ободончилик ишларини қилиш мумкин эмасди дейсиз? Деҳқону мутахассис, амалдорларнинг бой бўлгани, қанча техникалар сотиб олишини айтмайсизми? Эҳ-хе...**

## Деҳқон айбдорми?

Олтиариқ туманида биттагина "Повулғон" ширкат хўжалигидан ташқари қолган 16 жамоа, фермерлар ҳам йиллик режаларини бажара олмадилар. Туманда шартномага нисбатан 6829 тонна пахта кам етиштирилди. 2002 йилга нисбатан ҳосилдорлик салкам 9 центнерга пасайиб кетди.

**(Давоми 2-бетда)**

# ОРОЛАНИШ ЯРАШИБДИ АСАКАГА!

ИНТИЛИШ

***Бу воқеани бундан роппа-роса ўн уч йил аввал бир мўйсафид ҳикоя қилиб берганди. У ҳаж зиёратига борганида ватандошимиз билан учрашиб қолибди.***

-Ўзбекистоннинг қайси гўшасидансиз, биродари азиз?

-Андижоннинг Асакасиданмиз.

-Келинг, бир бағримга босай, биз ҳам бу юртларга Асакадан келиб қолганмиз. Бизнинг хонадонда меҳмон бўласиз, марҳамат қилинг.

Ватандошимиз ўзаро суҳбат чоғида "Асаканинг ўнқир-чўнқир тор йўллари ҳали-ҳали ўшандайми?", деб сўраб қолган экан. Мўйсафид ростини айтса, хижолатчилик, ёлғон айтиб, ватандошини алдаса, гуноҳ бўлишини ўйлаб, сукут сақлабди...

Дарвоқе, ўша пайтлари Асака кўчалари тор, таъмирталаб бўлиб ётарди. Эндичи? Бугун Асака жуда ўзгариб кетган.

**(Давоми 3-бетда)**

# БЕРУНИЙНИНГ АҚЛ МАШЪАЛИ

МОЗИЙ

***Берунийнинг буюк олим сифатида география, геодезия ва геология фанлари соҳасидаги хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Беруний кўпгина асарларида ўзидан олдин ўтган ва замондош олимларнинг тўплаган маълумотларини умумлаштирди.***

Уларни кузатишлари ҳамда сайёҳлар, савдогарлар келтирган далиллар билан бойитди. Олимнинг географияга доир 20 дан ортиқ асари бўлса-да, бизгача уларнинг бир нечтаси етиб келган, холос. Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида ўзига маълум бўлган барча халқларнинг йил ҳисоби-календар системаси, ой ва мучал йиллари, байрамлари, қобила, жой номларини чуқур таҳлил қилган.

Олимнинг "Картография" китобида астрономия, картография ва географиянинг амалий аҳамиятига алоҳида тўхталади.

**(Давоми 4-бетда)**

# ФАЛАКНИ ҚОПЛАЁТГАН ОҒУ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

***Ўтган йили баҳорда ғалати бир манзарани кузатдик. Тошкент вилоятининг Қибрай тумани томонларида, хусусан, Дўрмонда дарахтлар ҳамалнинг охирида хасталанди, ўрикларнинг барги тешилиб-тешилиб қолди.***

Сўнгра бирваракайига тўкилиб кетди. Шохлардаги ғўраларни кўрсангиз бужмайинқираб сўлибди. Ғўраларни қизиқ, худди одамнинг танасини яра-чақа босгани каби доғ-дуғ қоплади. Шохлардаги довуччаларни "яра" босди. Кейин улар қуриб-қовжираб тўкила бошладилар. Хуллас, ҳосил бермади ҳисоб. "Яра" босган меваларнинг ҳузурини ер кўрди.

Нега шундай бўлди? Айрим мутахассисларнинг шарҳлашича, иқлим бузилганлиги, кутилмаган об-ҳаво шароитида шу ҳол содир бўлди...

Бу тахминда жон бор эди, албатта. Чунки ўрик барги ва ғўралари сурункали ёққан ёмғирдан зарарланган эди. Тўғри ёмғирдан сўнг дарахт баргларининг илма-тешик бўлиши ғайритабиий ҳодиса. Бироқ, маълумотларга қараганда ифлосланган ҳаво оқимининг кўчиши сабабли ёмғирлар таркибида зарарли моддалар ҳосил бўлмоқда.

**(Давоми 4-бетда)**

# БОҒЧА СОТИЛДИ ВА... ЁПИЛДИ

ТААССУФ

***Пахтачи тумани маркази – Зиёвуддин қўрғонидаги Истиқлол маҳалласи болаларининг илтижоли арзларини эшитиб, безовта саволларига жавоб излаб халқ таълими бўлимига бордик.***

Мудир Азим Очилов бизни мактабгача таълим муассасалари бўйича услубчи Ҳайитгул Мирзаевага учраштириб қўйди. У киши қуйидагиларни гапириб берди.

-Халқ таълимига қарашли бўлган 38 боғчанинг ҳаммаси кўнгилдагидек ишлаб турибди. 7-боғчамиз хусусийлаштирилган. Барча харажатларни тадбиркорнинг ўзи ҳал қилаяпти. 140 ўринга мўлжалланган икки қаватли типовой бинода ҳозирча 40 нафар бола тарбияланаяпти. Саккиз нафар ходимимиз гўдаклар бошида гиргиттон.

Услубчи ҳамроҳлигида Истиқлол маҳалласига йўл олдик. Чиндан ҳам чиройли, барча қулайликларга эга, яхшигина таъмирланган боғча экан. Бироқ, бизни ажаблантирган, Ҳайитгул Мирзаевани уялтириб қўйгани шу бўлдики, бу ерда бирорта ҳам боланинг овози эшитилмади. Боғча ишламаётган экан.

**(Давоми 2-бетда)**

# ЗИДДИЯТЛАР КУРАШИ

САЛОМАТЛИК

***Инсоннинг бу дунёда абадий яшашини тасаввур эта оласизми? Табиий ўлим бўлмаганда, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат қай йўл билан сақланган бўлар эди?***

Тириклик кеча ва кундуз, яхшилик ҳамда ёмонлик каби қарама-қаршиликларнинг курашиши, алмашинуви билан кечгани каби ҳаёт ҳам туғилиш, ўлим билан ўз давомийлигини сақлайди. Инсон танасида ҳам иссиқлигу совуқлик, ҳўллик ва қуруқликни белгиловчи мижозлар мутаносиблиги умр жараёнини илгарилатиб боради.

Буюк аллома, улуғ табиб Ибн Сино табиатнинг азалий қонунини ўзгартириб бўлмаслигини таъкидлаган эса-да, ўлимнинг қандай юзага келишини маҳорат билан тушунтира олган. Унинг "Тиб қонунлари"да ёзилишича, инсон танасидаги туғма ҳўллик, яъни намлик чироқдаги мойга ўхшайди.

**(Давоми 4-бетда)**

ҲИКМАТ

*Ҳақиқатнинг таъми тахир, аммо у шифобахш аччиқ дорининг ўзгинасидир.*

**ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК**

ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки

BANK

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ТЎЛИН ОЙ КЕЧАСИ | ПАПАРАЙИМ | БИР ТОМЧИ СУВ ҚАДРИ



# ФАЛАКНИ ҚОПЛАЁТГАН ОҒУ

(Боши 1-бетда)

Аниқроқ қилиб айтганда, атмосфера таркибининг бузилиши оқибатида табиатда кислотали ёмғирлар вужудга келаяпти. Маълумки, дунё миқёсида йил сайин ҳавонинг ифлосланиши ортиб бораяпти. Турли хил қазилмаларни ёқиш жараёнида улардан чиққан заҳар газлар кўкка ўрлаб "булут"га айланаяпти. Чунки кислота ҳосил қилувчи газлар – олтингугурт ангидриди, азот оксидлари ва яна турли хил кимёвий моддаларнинг ажралиб чиқиши биз яшаб турган муҳит атмосферасини ҳалокатли аҳволга солиб қўяяпти.

Зарарли газлар фақатгина атмосферани булғамайди. Балки ҳаво таркибида узоқ муддатда туриб қолади. Жўн қилиб айтсак, булут билан аралашади. Юзлаб, ҳатто минглаб километргача масофада осмонни қамраб сузиб юради.

Ер юзининг айрим жойларида қурғоқчиликнинг ҳаддан зиёд ошиб ўрмонларда ёнғин содир бўлиши, ишлаб чиқариш корхоналари – йирик завод, фабрикалар, конларнинг тинимсиз ишлаши, қазилма бойликларини қидириб топиш учун ернинг юза сатҳи, тоғларда содир қилинаётган портлашлар, газ ва нефть ёнғинидан пайдо бўлган зарарли тутунлар, қисқаси, айрим портловчи қуролларни синаш жараёнида ҳосил бўлаётган – кимёвий бирикмалар ҳавомизни заҳар-заққумга айлантириб бораяпти.

Хуллас, заҳарли ҳавода кислотали ёмғир пайдо бўлди. Атмосферадаги заҳар ҳамда намлик бир-бири билан бирикаяпти.

Кислотали ёмғир дунё олимлари учун унчалик ҳам янгилик саналмай қўйди. Бу ёмғир нафақат ўсимликлар дунёси, балки кишилар ҳаётига, заминдаги барча жонзотларга жиддий хавф туғдираяпти. Бундан ташқари, дунё миқёсини олиб кўрадиган бўлсак, кислотали ёмғир ёғиши оқибатида денгиз ва кўллар сувлари яроқсиз бўлиб қолади. Масалан, маълумотларга кўра, кислотали ёмғирлар оқибатида Канададаги 4 мингдан зиёд кўл ўлик ҳолга келди. Шундай кўлларнинг яна 12 мингтаси суви заҳарланиш арафасида. Мана шундай аянчли аҳволни Швециядаги 18 минг кўл мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳозирги кунда биологик аҳволи анча аянчли – мувозанат бузилган. Норвегия мамлакати жанубидаги кўлларнинг ярмида балиқлар яшамаяпти – қирилиб кетган. Хуллас, кислотали ёмғирнинг турган-битгани - ҳалокат. Кишилик турмуш тарзига хавф туғдириб турибди.

Одамзот ўз қилмишининг, яъни, табиат билан жоҳилона муносабатга киришувнинг жазосини тортаяпти. Цивилизациянинг юксак чўққисига тирмашган бизнинг саноатлашган асримизда террор, урушлар, қурол-яроғ хавфи, наркобизнес кўргилиги, ахлоқсизлик фожиаси билан табиий ҳаётга дарз кетиши, теварак-атрофнинг ҳалокат жари ёқасида қолиши даҳшати ҳам пайдо бўлди. Ер юзи экологик жиҳатдан яна бир аянчли ҳолатга тушди – кислотали ёмғир деган фалокат ҳам инсоният ҳаётига хавф туғдириб, одам болаларини ҳаддидан ошиб кетаётган ўзбилармончилиги, она-табиатни менсимаслиги боис жазолаётганга ўхшайди.

Яна бир мисол: Германиядаги қарағайзорлар кислотали ёмғирлар оқибатида тобора қуриб бораяпти. Энг даҳшатли томони кислотали ёмғир фақатгина ўсимликлар дунёсигагина зиён етказмайди.

Кислотали ёмғир темирни ҳам ўйиши мумкин экан. Шунинг учун самолётлар парвозига жиддий хавф туғдираяпти. Бундан ташқари кислотали ёмғир кўп ёғаётган шаҳарларда кўприклар вайрон бўлаяпти. Минг йиллик тарихий обидалар, осмонўпар миноралар тобора емирилиб бораяпти. Хуллас, беписанд инсон шафқатсизлиги оқибатида унинг маънавий бойликлари, тарихий ёдгорликлари ҳам зиён-заҳмат кўраяпти.

Мувозанат бузилмаслиги керак. Ҳар нарсанинг ўз ўрни бор – чўлнинг ҳам, кўлнинг ҳам. Майса билан юксак тоғ орасида ҳам сирли бир боғлиқлик мавжуд. Табиат устидан ҳукмронликка уриниш, уни оёқости қилиш, табиатни тириклик манбаи, деб ардоқламаслик яхши оқибатларга олиб бормайди.

Тўғри, одамзот ўз эҳтиёжини қондириши керак. Бунинг учун унга газ ҳам, нефт ҳам, қолаверса, кўмир ҳам, хуллас, барча қазилма бойликлари зарур. Кўпчилигимиз машинасиз бир қадам ҳам юролмаймиз. Бир кунда барча техникалардан чиқаётган тутун, газ улкан шаҳарлар миқёсида қўшиб ҳисоблаганда, ўша ердаги дарахтларнинг ҳавони тозалаб бериши учун умуман қурби етмай қоларкан. Айниқса, ҳавонинг дим ҳолатга келишида нафақат завод, фабрикалар, балки транспорт воситалари ҳам муҳим аҳамият касб этаркан. Кечки пайт юқори қаватли бинолар тепасига чиқиб қаралса, одамзод тутун уммони остида яшаётгандай бўлади.

Бир одамнинг эҳтиёжи учун умри давомида 200 та дарахт кесилар экан. Қалам, дафтар, китоб, қоғоз, хуллас, ҳаммаси учун. Ер юзида қанча одам бор? Энди чамалаб кўринг.

Бироқ дунёга келиб, ҳаёти давомида бир туп ҳам ниҳол экмай ўтаётганлар қанча?

Табиатга нисбатан муросасизлик, шафқатсизлик оқибатида радиоактив ёмғир ҳам пайдо бўлганлиги, асосан улкан АЭСлар атрофидаги нурланишлар туфайли кўкдан ана шундай оғу ёға бошлаётганини дунё фани исботлаб бўлди. Худди кислотали ёмғирлар сингари радиоактив ёмғирлар ҳам ер юзи ҳаётини емириб бораяпти. Улар ўт-ўланларни заҳарлаяпти. Ўша ўт-ўланларни истеъмол қилган ҳайвонлар гўшти, сут, қатиғи одам организмини ҳам заҳарлаши, азон қатламини тобора булғаб, кўкда заҳар- заққум тўпланишига сабаб бўлаяпти. Очиғи, бундай ҳолат ер юзининг қайсидир бурчагида содир бўлаётган экан, буни сайёранинг бошқа ҳудудига тааллуқли, дунё фожиа ёмғирлари остида қолиши дегани эмас бу, дея ўйловчилар хато қилади. Радиоактив ёмғирлар булути ҳам кейинги пайтда, ҳаво қатламида қалинлашиб бораяпти. Натижада сўнгги йилларда ер юзида кутилмаган иқлим содир бўляпти. Бемаврид қорли, қаҳратонли қишлар бошланаяпти, бошқа жойларда эса кутилмаган жазирамалар рўй бераяпти. Масалан, кейинги йилларда ёғингарчилик сабабли ҳосил бўлган сув тошқинлари, Европанинг баъзи ерларида одам бели баробар қор ёғиши ёки куннинг ҳарорати кескин ошиб, жазирама бошланиши, фасллар алмашиниб қолаётгани булар бари беҳуда эмас. Атмосфера мувозанат қонунияти бузилди.

Хўш, бугунги кунда биздан нима талаб қилинади? Биринчидан, табиатни асрашга ҳар қайсимиз ўзимизни бурчли деб ҳис қилишимиз лозим. Табиат ҳалокати одамзотнинг лоқайдлиги, жоҳиллиги туфайли юзага келаётганини унутмаслигимиз зарур. Табиат муҳофазасига масъул идоралар ходимлари эса матбуот орқали мазкур мавзуларда мунтазам чиқишлар қилишлари лозим. Ўқув муассасаларида экология билан боғлиқ дарслар фақатгина дастлабки курсларнинг бир семестрида ўтиларкан. Ёки мактаб дастурида юқори синфларда мазкур мавзулардан жуда кам соатда сабоқ берилади. Айниқса, ёш авлод онгига табиатни асраш, одамзотнинг ўзини асраш, дегани эканлигини уқтириб боришимиз лозим.

Яна бир гап, табиат олдидаги жавобгарлик биргина мутасаддиларнинг иши эмас. Бу ҳар қайсимизнинг яшаш тарзимиз, ер юзида ҳаётнинг бардавомлигига таъсир қилажак муаммо! Бизнингча, табиат муҳофазасига оид амалдаги қонунлар, белгиланган дастурлар ҳаётда амалий жиҳатдан таъсир кучига эга бўлмаса, табиатни ҳимоя қилиш омма ишига айланмаса, ҳар кимнинг юрагида мен ҳам табиатнинг бир бўлагиман, деб қараш туйғуси шаклланмаса, қаршимиздаги муаммо тобора улканлашиб, чигаллашиб бораверади.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**



Марказий Ҳарбий Спорт клубида самбо бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Наманган ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилларидан ташқари барча вилоятлардан 250 нафарга яқин ёш спортчилар иштирок этишди.

10 вазн тоифасида уюштирилган баҳслар якунига кўра энг кўп ўринни бухоролик ёш самбочилар 7 вазнда чемпионликни қўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

**СУРАТЛАРДА:** муросасиз финал баҳслари.

А.ПОПОВ олган суратлар.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

АҚШнинг Юта штатидаги бир илдиздан ўсиб чиққан Уосатч деб номланадиган дарахт дунёдаги худди шундай ягона дарахт саналади. У 43 гектар ерни қоплаши билан бирга умумий оғирлиги 6000 тоннани ташкил қилади.

## ЭНГ УЛКАН ДАРАХТЛАР

Баъзан "Мамонт дарахти" деб аталувчи "Линдси Крик Дарахти" АҚШнинг Калифорния штатида ўсади. Бу дарахтнинг шохлари 2549 квадрат метрни эгаллаб, оғирлиги эса 3300 тоннани ташкил этади.

* * *

АҚШнинг Калифорния штати дунёдаги йирик дарахтлар ўсадиган макон ҳисобланади. Дарахтлардан бирининг "Генерал Шерман" номи билан аталишига сабаб у дунёда энг тоши оғир ҳисобланади. Унинг баландлигини мутахассислар ўлчашганда 83,82 метр, йўғонлиги эса 31,3 метр эканлиги маълум бўлган.

* * *

Ўша Калифорния штатида "Мендосино дарахти" бўлиб, унинг баландлиги 112 метр, диаметри 32 метр, ёши эса 1000 йилдан ошганлиги аниқланган.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.**

# ЗИДДИЯТЛАР КУРАШИ

(Боши 1-бетда)

Шу билан бирга танамизда туғма намликни қуритувчи туғма иссиқлик ҳам мавжуд. Бу икки зиддият кураши натижасида ҳосил бўладиган энергия ҳисобидан инсон ўсади ва қудратли бўлади. Маълум вақт бадан қуриши мўътадилликка етгач, намлик камайиб боради, натижада туғма иссиқлик ўз моддасини (яъни туғма намликни) бутунлай қуритиб йўқ қилиш билан ўзини сўндиради ва ёғи тамом бўлган чироққа ўхшайди. Табиий хўллик қуригач (бу инсоннинг кексайган даврига тўғри келади), табиий ўлим вужудга келади. Бу жараён инсон иродасига бўйсунмайдиган ҳолат бўлгани каби, туғма иссиқликнинг ҳам туғма намлик устидан ғалаба қилиши зарурий ҳолатдир. Акс ҳолда туғма иссиқлик туғма намлик ичида бекилиб қолиши мумкин. Балки "летаргик уйқу"даги узоқ муддат давом этувчи (20-30 йилгача) мутлақ ҳаракатсизлик шу бекилиш натижасида юзага келар.

Летаргик уйқудан уйғонганлар жуда тез фурсатда қариб, оламдан ўтганлари кузатилган.

Аммо летаргик уйқуга кетмасдан ҳам жуда тез қариб оламдан ўтганлар бўлган. Рўзномаларнинг бирида беш яшарлигида қариб ўлган "чол бола" ҳақида ўқиган эдим. Бундай ҳолатни туғма намлик ва туғма иссиқлик ўртасидаги номутаносибликнинг бир кўриниши ёки туғма намликнинг ташқи омилларга таъсирчан бўлганлигида, деб изоҳлаш мумкин.

Инсоннинг болалигида танасидаги намлик юқори, ёшлигида мўътадил, кексалигида эса тобора озайиб бориши кузатилади. Буни суякларнинг мўртлиги, терининг қуруқлиги билан исбот этиш мумкин.

Янаям оддийроқ мисол. Қорилган хамирни болаликка, пишишини ёшликка, қотишини кексаликка, узоқ қуригач, майдаланиб ушоққа айланишини эса, табиий ўлимга қиёслаш мумкин.

Бироқ ҳамма ҳам табиий ўлимга ета олмайди. Ибн Сино танамизга келадиган офат икки нарсага қаратилган, деб таъкидлайди. Биринчиси, табиий намликнинг тарқалиши бўлса, иккинчиси намликнинг бузилиб, ҳаётий фаолиятнинг издан чиқишидир.

Дастлабки намлик ўзининг йўқотилган қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйдириши ҳисобига бу офатларга қаршилик кўрсата олади.

Соғлиқни сақлаш санъати ўлимдан омон қолишга, инсон истайдиган даражада узоқ умр кўришга ва сиртқи офатлардан сақланишга кафил бўла олмайди, балки икки ҳаракатга – туғма намликнинг тез тарқалишига йўл қўймасликка, ҳамда касалликка қарши курашишга йўналтирилади.

Инсон бу оламда абадийликка эришиш учун табиат сирсиноатининг тубсиз уммонига ғарқ бўлиб, унинг бир қатрасини ҳам ўрганишга улгурмай дунёни тарк этади. Бу билан ўлим муқаррар эканлигини исботламоқчи эмасмиз, балки табиий ўлимга етиш йўллари, яъни узоқ умр кўриш учун соғлиқни сақлаш тадбири билан таништиришдан аввал билиш зарур бўлган ҳақиқатни тушунтиришга ҳаракат қилдик. Дунёнинг ўткинчи имтиҳон эканлигини билган ҳолда ўлимни ҳам инкор этиб бўлмайди, чунки табиатдаги барча тириклик ҳам бошқа қарама-қаршиликлар сингари умр чегарасини белгиловчи ўлим офатлари билан биргаликда яратилган.

**Дилфуза БОЗОРОВА,**
**шифокор.**

# БЕРУНИЙНИНГ АҚЛ МАШЪАЛИ

(Боши 1-бетда)

Бу асар савдогар ва сайёҳлар учун чўлда ва денгизда юлдузлар ёрдамида йўл топишда, деҳқончилик ва чорвачилик ишларида, ер юзасидаги мамлакатлар, дарё, денгиз ва тоғлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишда, ҳарбий юриш ва карвонларни жўнатиш пайтида яқин йўлларни ахтариб топишда энг муҳим қўлланма вазифасини бажарган. "Геодезия" асари жойларнинг географик узунлиги ва кенглигини аниқлаш йўлларига бағишланган. Бу аниқлаш усуллари жуда аниқ ва содда бўлиб, олимнинг таҳлил қилиш қобилияти нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

Берунийнинг ер шари ўлчамлари ҳақидаги маълумотлари ҳам юнон ва ҳинд олимлари ҳамда ўша замон Шарқ олимлари хулосаларига нисбатан анча аниқ ва мукаммалдир. У ер айланаси узунлиги ўлчамининг янги ва қулай ўлчаш усулларини ишлаб чиқди. Унинг яратган усули шунга асосландики, юзадаги узунликни баландликдан, унинг кўриниб турган чегарасига оғиш бурчаги асосида ўлчашдир. Ана шу икки катталикдан ер радиуси аниқланади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, у бир жойда турган ҳолда ер ўлчамларини аниқлаш имкониятини беради. Берунийда келтирилган ер ўлчамининг аниқлик даражаси ҳозирги замон фани хулосаларига жуда яқиндир. Унинг усулларидан бири ёритгичлар ўлчамини ёрдамчи предметнинг тўла ёки қисмий сояси бўйича аниқлаш ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу усул билан бир жойда турган ҳолда икки тоғ чўққиси ўртасидаги масофани ёки тоғ баландлигини аниқлаш мумкин.

Беруний юнон олимларидан фарқли ўлароқ, Ҳинд ва Атлантика океанларининг туташганлигини оригинал усулда исботлаб берди ва Христофор Колумбдан 500 йил аввал океан ортида бизга маълум бўлмаган, йирик қитъа борлигини исботлади.

Берунийнинг фан оламидаги яна бир хизмати Амударё водийси ва Орол денгизининг ҳамда Хоразм – Турон паст текислигининг пайдо бўлиши ҳақида у фанда биринчи бўлиб илмий фикрни майдонга ташлади. Академик Ҳ.Абдуллаев Беруний асарларини чуқур ўрганиб, у геология ва минерология фанларининг йирик назариячиси ва асосчиси, деган хулосага келди. Зеро, олимнинг геология ва минерология соҳасидаги илмий-назарий хулосалари Ўрта Осиёда ер ости бойликларини очишда ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Берунийнинг "Аттафхим" ("Астрономия санъатининг бошланғичини тушунтириш китоби") 1029 йилда Ғазнада ёзилган. Мазкур асар хоразмлик Райҳона ибн Ҳасан исмли қизнинг илтимосига кўра, савол-жавоб тарзида битилган. Асар геометрия, арифметика, алгебра, астрономия, география, хронология ва бошқа фанларга доир 530 савол-жавобдан иборат.

Олимнинг ушбу асари мазкур билимларни ўрганиш учун уларнинг барчасини ўзида мужассам этган қомусий қўлланма вазифасини бажарган. Асар шу билимларга доир қимматли жадвал ва шакллар билан тўлдирилган. Яна асарнинг географияга доир бўлимида дунё харитаси ҳам берилган.



"Аттафхим"нинг геометрия ва арифметикага доир қисмида фигура ва шаклларнинг ўзига хос хусусиятлари, сонлар, касрлар, квадрат ва қоидалари ҳақида сўз юритилади. Астрономияга оид бўлимида коинот, ёритгичлар ва юлдузлар, кун ва тун, ёритгичларнинг чиқиши ва ботиши, ой манзиллари ҳақида баён қилинади. Асарнинг географияга доир қисмида эса Ернинг ҳажми, денгизларнинг пайдо бўлиши, иқлимлар, мамлакатлар ва халқлар тўғрисида муҳим маълумотлар берилган.

Берунийнинг тиббиёт соҳасидаги хизмати ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг энг сўнгги асари доришуносликка бағишланган бўлиб, фанда "Сайдана" деб номланади. Олим ана шу асари билан Ўрта Осиёда биринчи бўлиб доришунослик илмига асос солган олимлардандир. Асарда ўсимлик, ҳайвон ва маъданлардан тайёрланадиган минг бирдан ортиқ доривор моддалар таърифлаб берилган. "Сайдана"да доривор моддаларнинг номлари 30 дан ортиқ тилда ва лаҳжаларда берилган. Шу сабабли асар ўша замон тиббиёт фани учун ҳам жуда фойдали қўлланмадир. Унда табобатдан ташқари яна ботаника, зоология, физиология ва географияга доир қимматли маълумотлар бор.

Беруний тарихшунос олим сифатида ҳам машҳур. Унинг тарихга доир "Оқ кийимликлар ва карматийлар хабарлари ҳақидаги китоб", "Ҳиндистон", "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Хоразм хабарлари ҳақида китоб", "Султон Маҳмуд даври тарихининг китоби" асарлари тарихга алоқадор асарлардир. Шулардан дастлабки уч асари бизгача етиб келган. "Ёдгорликлар" китоби Ўрта Осиё, Эрон, айниқса Хоразмнинг энг қадимги тарихи, маданияти ва этнографиясини ўрганишда тенги йўқ асардир. Олимнинг "Ҳиндистон" асари алоҳида илмий аҳамиятга эга. Ҳинд олимлари, айниқса Жавоҳарлал Неру унга жуда юқори баҳо берган эди. Бу асар ҳозир ҳам қадимги Ҳиндистон тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Рус шарқшунос олими В.Розен Берунийнинг "Ҳиндистон" асарини Шарқ ва Ғарбдаги қадимги ва ўрта аср орасидаги тенги йўқ асар, деб баҳолади.

Буюк мутафаккир Беруний илмнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятига юқори баҳо берар экан, одамларни, айниқса ҳукмдорларни илм аҳлига алоҳида ҳурмат-эҳтиром қилишга, эъзозлашга, уларга яхши кўз билан қараб, ҳамиша моддий аҳволидан хабардор бўлишга чақиради. Бу мамлакатда илмий тафаккурнинг ривож топишига сабаб бўлади. Илмга эътиборнинг кучайиши билан дунёда кундалик "Зарур ишлар билан овора бўлиб қолган қалбларни турли илмлар билан шуғулланиши учун бўшатиб қўяди", деб таълим беради Беруний.

**Азимбой САДУЛЛАЕВ,**
**академик.**
**Абдулла СОТЛИҚОВ,**
**профессор.**




## ФАРҒОНАДАГИ МАҒЛУБИЯТ

***Ўтган куни футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг "С" гуруҳидаги жамоалар ўртасида иккинчи тур баҳслари бўлиб ўтди.***

Унда Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси Осиёнинг энг кучли клубларидан бири "Ал-Идтиҳод"га қарши ўз майдонида куч синашди.Учрашувда меҳмонлар фарғоналиклардан кўра маҳоратлироқ ва тажрибалироқ эканликларини исботлашиб, ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Ҳисоб ҳам шунга яраша 1:3. Хуллас, ўз майдонида ҳам муҳим уч очкодан маҳрум бўлган фарғоналиклар кейинги беллашувларда қандай натижани қайд этишади, буни вақт кўрсатади.

## МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида эркаклар жамоалари ўртасида қўл тўпи бўйича ўтказилган мамлакат XII чемпионатининг биринчи тури якунланди.***

Мусобақаларда иштирок этган 12 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Биринчи гуруҳда ғолибликни ўтган йилги мамлакат чемпиони Чирчиқнинг "Танкчи" жамоаси қўлга киритди. Барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган чирчиқликлар 10 очко жамғаришди. Иккинчи гуруҳ мусобақаларида иштирок этган пойтахтнинг "Ёшлик" жамоасига омад кулиб боқди. "Ёшлик" ҳам барча рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини исботлаб, 10 очко жамғара олди. Мамлакат биринчилигининг иккинчи тур учрашувлари 1-7 март кунлари Наманган вилоятидаги "Паҳлавон" спорт мажмуида бўлиб ўтади.

Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти спорт мажмуасида эса қўл тўпи бўйича аёллар жамоалари ўртасида мамлакат биринчилиги баҳслари бошланди. Унда Тошкентнинг "Алгоритм-1", "Алгоритм-2", Гулистоннинг "Сирдарё", Бухоронинг "Бухоро", Олмалиқнинг ОТМК ва Тошкентнинг Ўзбекистон Миллий университети жамоалари қизлари ғолиблик учун курашишмоқда.

## ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида 16 ёшли ўғил-қизлар ўртасида теннис бўйича марказнинг очиқ биринчилиги уюштирилди.***

Шуниси эътиборлики, ана шу беллашувларда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган иқтидорли ёш теннисчилардан ташқари, қўшни давлатлардан келган ракетка усталари ҳам иштирок этишди. Ўғил болалар баҳсининг финалида ўзаро рўбарў келган Филлип Тримуткин ҳамда тошкентлик Рифат Биктяков ўртасидаги учрашув, пойтахтлик ёш теннисчининг ғалабаси билан якунланди. Қизлар ўртасидаги муросасиз беллашувда эса Влада Яхшиборова Албина Ҳабибулинани енгиб, марказ очиқ биринчилиги чемпионлигини қўлга киритди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## СОВРИН СОҲИБАСИ

***Мемфисда якунланган аёллар ўртасида ВТА теннис турнирида россиялик ракетка устаси Вера Звонарева ғалаба қозонди.***

Бу муваффақият Веранинг фаолияти давомида иккинчи йирик ғалабаси. Финалда АҚШлик Лиза Реймондга қарши кортга тушган Вера биринчи сетда 4:6 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, кейинги икки сетда кетма-кет 6:4, 7:5 ҳисобида ғалаба қозониб, финал ғолибига айланди.



Россиялик теннисчи бу мусобақадан 28900 АҚШ доллари ва 120 рейтинг очкосини ҳам қўлга киритди. Жуфтлик учрашувларида эса Аса Свенссон – Мейлин Ту (Швеция-АҚШ) жуфтлигига қарши Мария Шарапова – Вера Звонарева (Россия)лар кортга тушиб, мағлубиятга учрашди. Финал ғолиби бўлган теннисчилар 190000 АҚШ доллари мукофотига эга бўлишди. Бельгиянинг Антверпен шаҳрида ўтаётган ВТА турнири финал баҳсида белгиялик Ким Клейстер ва италиялик Сильвия Фарина-Элиа кортга тушишади. Бу турнирнинг мукофот жамғармаси 585000 АҚШ долларини ташкил этади.

## ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

***Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси 1/8-финал баҳслари бўлиб ўтди. Москванинг "Локомотив" клуби ўз майдонида Франциянинг "Монако" жамоасини қабул қилиб, ажойиб ғалабага эришди.***



Учрашувда "темирйўлчилар" аъзолари Марат Измайлов ва терма жамоамиз вакили Владимир Маминовлар гол муаллифи бўлган бўлсалар, "Монако"нинг ягона жавоб тўпи муаллифи Фернандо Морьентес бўлди. Энди 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган "Локомотив" "Монако" майдонида бўладиган жавоб учрашувида дуранг натижага эришса ҳам кейинги босқичга чиқади. Испаниянинг "Селта" жамоаси эса Англия чемпионати пешқадами "Арсенал"га ўз майдонида 2:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Андрей Шевченко клуби "Милан" эса Прагада "Спарта"га қарши майдонга тушиб, 0:0 ҳисобида дуранггa имзо чекди. Мадриднинг "Реал" жамоаси Мюнхенда "Бавария" билан баҳс олиб борди. Бу учрашувда ҳам дуранг натижа қайд этилди: 1:1.



## АФИНАГА ЙЎЛЛАНМА

***Хорватиянинг Пула шаҳрида ўтаётган бокс бўйича Европа чемпионати уч россиялик чарм қўлқоп усталари ярим финалга чиқишди.***

Биринчиликда 300 дан ортиқ спортчилар иштирок этмоқда. Агар россиялик боксчилар Георгий Балакшин (51 килограмм), Александр Малетин (64 килограмм) ва терма жамоа сардори Евгений Макаронка (81 килограмм)лар совриндорлар қаторидан ўрин олишга муваффақ бўлса, Афинада ўтадиган Олимпиада йўлланмасини қўлга киритади. Ярим финал баҳслари 26 февралда бўлиб ўтади.



**INTERNET хабарлари асосида Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

"Қишлоқ ҳаёти" ижодий жамоаси газетанинг Навоий вилоятидаги ўз мухбири – ижодий гуруҳ раҳбари Ҳамдам Эшонқуловга волидаи муҳтарамаси

**ҲАКИМА АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Қишлоқ ҳаёти" ижодий жамоаси газетанинг Самарқанд вилоятидаги ўз мухбири – ижодий гуруҳ раҳбари Ўктам Қурбоновга опаси

**ҲАМРО МАРДОНОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ЗИҒИР, ҚОРА СЕМИЧКА - КУНГАБОҚАР, МАСХАР СОТИБ ОЛАМИЗ**
*Тел.: 54-87-22.*

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 18-касб-ҳунар мактабига 1999 йил 27 сентябрда берилган рўйхатга олинганлик тўғрисидаги ресстр № 1925 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

АНИҚЛИК КИРИТАМИЗ:
"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2004 йил 24 феврал сонида босилган "Хоразмлик комиллар" мақоласининг 4 хатбоши, 5 сатри "бўлган. У 1825 йили Хивада мадраса" деб ўқилсин.

Бош муҳаррир **ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** **Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ** (Бош муҳаррир ўринбосари), **Ҳабиб ТЕМИРОВ** (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), **Ғафур ШЕРМУҲАММАД** (масъул котиб), **Озод ШАРОФИДДИНОВ.**

МУАССИСЛАР: **Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** – 136-58-83 (факс):133-09-93. **(факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари** – 133-16-27, 133-44-43, **котибият** - 136-56-30. **Ижодий гуруҳлар:** 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; **Андижон** – 8-374-2-25-32-23; **Бухоро** – 8-365-22-322-25; **Жиззах** – 8-372-22-648-72; **Навоий** – 8-436-22-588-56; **Наманган** - 8 – 369-43-311-81; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** – 8-366-33-70-57; **Сурхондарё** – 8-376-46-526-61; **Сирдарё** – 8-367-225-41-73; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-623-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

**Навбатчи:** Х.ПАНЖИЕВ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-321, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: - Адади -12916

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5